



PARTICIPATION OF UZBEKISTAN'S HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN INTERNATIONAL RANKINGS

Timur Nurmatov

Researcher at the Center for the Development of Higher Education
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Higher education, international cooperation, Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, National University of Uzbekistan, ISO 21001:2018 certification, Tashkent Institute of Agricultural Mechanization Engineers, national research university.

Received: 08.08.25

Accepted: 09.08.25

Published: 10.08.25

Abstract: This article analyzes the results of Uzbekistan's higher education institutions in entering prestigious international ranking systems such as the Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, or the Academic Ranking of World Universities. In recent years, two universities from Uzbekistan have been included in the Top 1000 list, and the potential for improving this indicator in the coming year is highlighted as a significant achievement.

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ҚАТНАШИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Тимур Нурматов

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази тадқиқотчиси
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Олий таълим, халқаро ҳамкорлик, Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Ўзбекистон Миллий университети, ISO 21001:2018 сертификати, “Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон олий таълим ташкилотларининг халқаро нуфузли рейтинг ташкилотлари - Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities рўйхатига кириш бўйича натижалари таҳлил қилинган. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги олий таълим ташкилотларидан икkitаси Топ-1000талик рўйхатга кирганлиги, ушбу кўрсаткич навбатдаги йилда янгиланиши муҳим натижа сифатида кўрсатилган.

УЧАСТИЕ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ

Тимур Нурмаматов

Исследователь Центра развития высшего образования

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Высшее образование, международное сотрудничество, рейтинг университетов мира Quacquarelli Symonds, Times Higher Education, Национальный университет Узбекистана, сертификация ISO 21001:2018, Ташкентский институт инженеров механизации сельского хозяйства, национальный исследовательский университет.

Аннотация: В статье анализируются результаты участия высших учебных заведений Узбекистана в авторитетных международных рейтинговых системах, таких как Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education и Academic Ranking of World Universities. В последние годы два вуза Узбекистана вошли в список Топ-1000, а возможность обновления этого показателя в следующем году рассматривается как важное достижение.

Кириш

Олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланмоқда. Бошқа соҳалар каби олий таълимда ҳам халқаролашув жараёни тезлашмоқда. ОТТлар томонидан халқаро жараёнларга фаол интеграциялашув жараёни содир бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида республикадаги камида 10 та ОТТини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш[1] вазифаси қўйилгани бежизга эмас.

Асосий қисм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 майдаги “2022–2026 йилларда Тошкент шаҳри ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 236-қарори 2-иловасининг 66-бандида 2022 – 2023 йилларда камида 20 та олийгоҳ таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш вазифаси белгиланган[2]. Шунга мувофиқ дастлабки босқичда 20 дан ортиқ давлат олий таълим муассасалари таълим дастурларини

халқаро аккредитациядан ўтказиш ишларини бошлаб юборди. “Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ва Ўзбекистон миллий университети томонидан эришилаётган натижалар олий таълим тизимида халқаролашув жараёни самарали кечаётганидан далолат беради.

Олий таълим тизимида сўнгги йилларда эришилган катта натижалар ОТТларнинг халқаро жараёнларда фаоллашгани билан боғлиқ. ОТТлар томонидан халқаро сертификатларни олиш жараёнига ҳам урғу берилмоқда. Айтиш лозимки, ISO 21001:2018 сертификатлари жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакати бўйлаб 900 минг марта олинган. Жаҳонда кўплаб ОТТлар, жумладан, Уммон Араб университети, Чехиядаги Ньютон университети, Озарбайжон Давлат кишлок хўжалиги университети, АҚШдаги Селинус фан ва адабиёт университети каби ОТТлар ISO 21001:2018 сертификатиغا эга. Дунё рейтингларида юқори ўринларни банд этган нуфузли университетлар томонидан ISO 21001:2018 сертификатини қўлга киритишга интилиш нисбатан суст бўлиб, бу мазкур университетлар узок тарихий тажриба давомида ўзига хос самарали бошқарув тизимини шакллантириб келгани ва ISO 21001:2018 стандартининг умумий талабларидан кўра аниқроқ бўлган хусусий талабларни бошқарув фаолиятига татбиқ эта олгани билан изоҳлаш мумкин [3].

ОТТлар ISO 21001:2018 стандартидан кўра кўпроқ умумийроқ бўлган ISO 9001:2015 стандартига мослашишни афзал кўрмоқда. Хусусан, 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда ҳам ОТТлар орасида Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳамда Инҳа университетлари ISO 9001:2015 сертификатиغا эга бўлиб, битта ҳам олий таълим муассасаси ISO 21001:2018 сертификатини қўлга киритмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июнда қабул қилинган “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-290-сон қарорида 2025 йил 1 январга қадар “университет бошқарув тизимини ISO:21001 (Educational organizations — Management systems for educational organizations) талаблари асосида ташкил этиш” вазифаси қўйилган эди[4]. Ушбу топшириқ ижросини таъминланди. Ушбу университет 2024 йилда ISO:21001 сертификатиغا эга бўлди.

2025 йилда Фарғона давлат университети Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Академик Ташаббуси (United Nations Academic Impact – UNAИ)га расмий аъзо сифатида қабул қилинди. Бу “глобал илмий ҳамжамият ва таълим муассасаларини БМТнинг асосий тамойиллари, хусусан барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқлари, тинчлик, таълимга бўлган тенг имкониятлар ва ижтимоий жавобгарлик ғоялари атрофида бирлаштирувчи платформадир. Ушбу ташаббус 2010 йилда БМТ Бош қотиби томонидан бошланган ва бугунги кунда 150

дан ортиқ давлатлардаги 1700 дан зиёд университет ва илмий марказларни ўз ичига олади. Фарғона давлат университети эндиликда UNAI логотипидан ўзининг UNAI доирасидаги лойиҳалари, веб-сайти ва нашрларида қонуний асосда фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, UNAI орқали талабалар ва профессор-ўқитувчилар глобал масалалар, SDG (Sustainable Development Goals) йўналишларидаги лойиҳаларда иштирок этиш, БМТ билан боғлиқ халқаро дастурлар ва грантларга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади” [5].

Дунёда кенг миқёсда тан олинган халқаро уюшмалар сифатида Олий таълимда таълим сифатини таъминлаш агентликларининг халқаро тармоғи (INQAAHE - The International Network for Quality Assurance Agencies in Higher Education); Олий таълим сифатини таъминлаш Европа Ассоциацияси (ENQA - European Association for Quality Assurance in Higher Education); Олий таълимда Европа таълим сифатини таъминлаш ташкилотлари реестри (EQAR - The European Quality Assurance Register for Higher Education); Марказий ва Шарқий Европада таълим сифатини таъминлаш тармоғи (CEENQA - Central and Eastern European Network of Quality Assurance Agencies in Higher Education); Олий таълим аккредитацияси кенгаши (CHEA - The Council for Higher Education Accreditation); Осиё-тинч океани минтақаси сифат тармоғи (APQN - Asia-Pacific Quality Network) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича ҳуқуқий асослар етарли эмас. Шунингдек, таълим сифатини таъминлашга масъул ваколатли давлат органи томонидан халқаро аккредитация ташкилотларининг махсус реестри юритилмайди. Шу сабабли, олий таълим муассасалари давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда аккредитация агентликлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи халқаро уюшмаларга аъзо бўлган ташкилотлар орқали фаолиятларини аккредитациядан ўтказишлари тавсия этилади [6].

Республикаимизнинг 2021 йилда 10 та, 2022 йилда 30 та олий таълим муассасаси “Times Higher Education” (Буюк Британия) агентлиги томонидан эълон қилинган “THE Impact Rankings” рейтингда (БМТнинг 14 та барқарор ривожланиш мақсадлари асосида баҳоланади) ўрин эгаллаган. 2023 йилда нуфузли рейтинг ташкилоти – “Times Higher Education” (Буюк Британия) агентлиги томонидан эълон қилинган “THE Impact Rankings” рейтингда мамлакатимизнинг 47 та олий таълим муассасаси қайд этилган. Бироқ, улардан атиги 3 таси юқори 1 000 талик рўйхатга кирган. (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 601-800-ўрин, Тошкент давлат аграр университети 801-1000 ўрин, Тошкент давлат юридик университети 801-1000 ўринни эгаллаган). 2023 йилда “THE Impact Rankings” ташкилоти томонидан эълон қилинган “World University Rankings 2024” рейтинги (Жаҳон олийгоҳлари рейтинги) рўйхатида Республиканинг 48 та

олий таълим муассасаси “Репортёр” мақомида (Даъвогар) қайд қилинган (2021 йилда 10 та ва 2022 йилда 32 тани ташкил қилган).

“Quacquarelli Symonds” (QS) халқаро рейтинг (Буюк Британия) ташкилоти томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш” йўналишида эълон қилинган “QS Sustainability Rankings - 2024” рейтингида мамлакатимизнинг атиги 3 та олийгоҳи “ТОП-1000” олийгоҳлар рўйхатидан ўрин эгаллаган (“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқотлар университети умумий 701-710-ўрин, “Атроф муҳти муҳофазаси соҳасида таълим” индикатори бўйича 110-ўринни эгаллаган, Тошкент давлат техника университети умумий 1101-1150-ўрин, “Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида таълим” индикатори бўйича 324-ўринни эгаллаган, Ўзбекистон миллий университети умумий 1201-ўрин, “Бошқарув модели” индикатори бўйича 289-ўринни эгаллаган). 2024 йилда “QS Quacquarelli Symonds” (QS) агентлиги томонидан эълон қилинган “QS Дунё университетлари рейтинги: Осиё 2024” республикаимизнинг 14 та олийгоҳ юқори ўринларда, шундан 6 таси рейтингдан илк бор ўрин эгаллаган.

“QS Осиё университетлари рейтинги 2024”				Ўсиш
т/р	ОТМ	2023	2024	
1.	“Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети	301-350	249	50 ўрин кўтарилган
2.	Ўзбекистон миллий университети	351-400	301-350	50 ўрин кўтарилган
3.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети		401-450	
4.	Тошкент давлат техника университети	551-600	501-550	50 ўрин кўтарилган
5.	Самарқанд давлат университети	601-650	601-650	
6.	Тошкент ахборот технологиялари университети		651-700	
7.	Тошкент давлат аграр университети	601-650	651-700	50 ўрин кўтарилган
8.	Тошкент молия институти	551-600	701-750	100 ўрин кўтарилган
9.	Жиззах политехника институти		751-800	
10.	Наманган муҳандислик-технология институти		751-800	
11.	Тошкент давлат педагогика университети	701-750	751-800	50 ўрин кўтарилган
12.	Тошкент шарқшунослик университети		801+	
13.	Қорақолпоқ давлат университети	701-750	801+	
14.	Фарғона политехника институти		801+	

2024 йил 10 декабрь куни олий таълим соҳасидаги глобал таҳлил агентлиги QS Quacquarelli Symonds 2025 йил учун Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича

жаҳондаги энг сара университетлар рейтинги – “QS Sustainability Rankings 2025”ни эълон қилди. Дунёнинг икки мингга яқин университетларини қамраб олган мазкур рейтингдан Ўзбекистоннинг еттита университети жой олди. Улардан биттаси ўтган йилги ўз ўрнини яхшилаган бўлса, тўрттаси рейтингга биринчи марта киритилди. Жумладан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети 828-ўрин, Ўзбекистон миллий университети 931-940, Тошкент давлат иқтисодиёт университети 1161-1180, Тошкент давлат техника университети 1251-1300, Тошкент давлат транспорт университети 1401-1450, Тошкент ахборот технологиялари университети 1501+ ва Урганч давлат университети 1501+ ўринларни қайд этди [7].

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети (“ТИҚХММИ” МТУ) рейтингда иштирок этаётган Ўзбекистон ОТТлари орасида методологиянинг бешта кўрсаткичи бўйича энг юқори натижаларни кўрсатмоқда: “Билим алмашиш”, “Битирувчиларнинг иш билан таъминланиши”, “Соғлиқ ва фаровонлик”, “Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича таълим” ва “Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадқиқотлар”. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон олий таълим муассасалари “Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида барқарор ривожланиш” кўрсаткичи бўйича энг кучли натижаларга эришмоқда. Мамлакатимизнинг тўртта ОТТси ушбу кўрсаткич бўйича дунёнинг энг яхши 500 та ОТТси рўйхатига кирган, улардан иккитаси энг яхши 300таликка кирган: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 279-ўринни ва Тошкент давлат транспорт университети 295-ўринни эгаллаган [8].

Худди шундай ҳолат “Бошқарув модели” кўрсаткичи бўйича ҳам кузатилмоқда. Бу кўрсаткич ахлоқий меъёрларга риоя қилиш, номзодларни излаш ва ходимларни ишга қабул қилишда илғор тажрибалардан фойдаланиш, қарорлар қабул қилиш тамойилларининг шаффофлиги каби самарали бошқарув билан боғлиқ омилларни ҳисобга олади. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистоннинг бешта олий таълим муассасаси дунёнинг энг яхши 500 та олий таълим муассасаси қаторига кирган. Улар орасида энг юқори ўринни Тошкент давлат транспорт университети эгаллаган бўлиб, рейтингнинг 400-ўрнида жойлашган [9].

Ўзбекистон ОТТлари халқаро доираларда нуфузини ошириш орқали ўз мавқеини яхшиламоқда. 2024 йил 6 ноябр куни Олий таълим соҳасидаги глобал таҳлил агентлиги (QS Quacquarelli Symonds) Осиёнинг энг яхши университетлари рейтингининг ўн олтинчи йиллик нашри – QS Asia University Rankings 2025 ни эълон қилди [10]. Рейтинг натижалари Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг сезиларли даражада олға силжигани билан эътиборга молик. 2025-йилги Осиёнинг энг яхши университетлари янги рейтингга

Ўзбекистоннинг 23 та олий таълим муассасаси киритилган бўлиб, бу мамлакат олий таълими тарихидаги мутлақ рекорд ҳисобланади. Шулардан 11 та ОТМ ўз ўрнини яхшилаган, 2 та ОТМ ўз ўрнини сақлаб қолган, 9 та ОТМ биринчи марта рейтингга киритилган ва 1 та ОТМ ўз ўрнини йўқотган. Янги рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон ўз мавқеини энг ишончли тарзда яхшилаган Осиё давлатларидан бирига айланди. 2025-йилги Осиёнинг энг яхши университетлари рейтинги (QS Asia University Rankings 2025) минтақанинг 25 та мамлакат ва ҳудудидан 985 та олий таълим муассасасини қамраб олган бўлиб, улардан 127 таси илк бор Осиё рейтингига киритилган [11].

2024 йил 5 июнь куни Буюк Британиянинг нуфузли “QS Quacquarelli Symonds” халқаро рейтинг агентлиги дунёдаги энг яхши университетлар рейтинги – “QS World University Rankings-2025” натижаларини эълон қилди [12]. Рейтингдан биринчи марта Ўзбекистоннинг бир вақтда икки ОТТ – “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети 547-ўрин ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети 781-790-ўрин билан муносиб жой эгаллади. “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети “Академик нуфуз” кўрсаткичи бўйича дунёнинг энг яхши 300 та олий ўқув юртлари қаторига ва Марказий Осиёдаги энг яхши университетлар учлигига кирди. Ўзбекистон миллий университети “Чет эллик ўқитувчилар улуши” кўрсаткичи бўйича дунёнинг 200 та энг яхши университетлари қаторида бўлиб, Марказий Осиё олий ўқув юртлари орасида иккинчи ўринни қайд этди [13].

2025 йил 22 январь куни Буюк Британиянинг нуфузли “Times Higher Education-THE” рейтинг ташкилоти “World University Rankings 2025 by Subject” – фанлар бўйича дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлар рўйхатини эълон қилди [14]. Мазкур рўйхатга мувофиқ, республикамизнинг 3 та олий таълим ташкилотлари илк маротаба THE ташкилоти томонидан эълон қилинган фан рейтингидан жой олди. Булар: “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети – Табиий фанлар, математика ва статистика йўналишида 301-400, Муҳандислик йўналишида 501-600; Ўзбекистон Миллий университети – Табиий фанлар, математика ва статистика йўналишида 601-800; Тошкент ахборот технологиялари университети – Таълим йўналишида ушбу университет 601+, Компютер илмлари ва дастурлаш технологиялари йўналишида 1001+ ўринни эгаллади [14].

2025 йил 12 март куни халқаро нуфузли QS Quacquarelli Symonds агентлиги томонидан дунёнинг энг яхши университетларининг фан соҳалари бўйича рейтинги - QS World University Rankings by Subject 2025 натижалари эълон қилинди. 2025-йилги рейтингда Ўзбекистон Республикаси 5 та олий таълим муассасаси 8 та фан йўналиши бўйича Топ 1000 университетлар рўйхатидан жой олди. Ўзбекистон учун ушбу натижа мамлакат тарихидаги энг юқори натижа бўлиб, ўтган йилга нисбатан университетлар сони

2 тага, йўналишлар сони эса 4 тага ортди. Рейтингда қайд этилган Ўзбекистон университетлари ва йўналишлари [15]:

Университет номи	Йўналиш (Фан)	Рейтингдаги ўрни (2025)	Рейтингдаги ўрни (2024)
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Лингвистика	251-300	– (янги)
Ўзбекистон Миллий университети	Замонавий тиллар	301-350	– (янги)
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (ТДЎТАУ)	Замонавий тиллар	301-350	– (янги)
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети	Атроф-муҳит фанлари	351-400	351-400
Ўзбекистон Миллий университети	Математика	401-450	451-500
ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети	Муҳандислик ва технологиялар	401-450	398
Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисод ва эконометрия	451-500	– (янги)
Ўзбекистон Миллий университети	Физика ва астрономия	601-675	– (янги)

Асосий ютуқлар ва янгиликлар шундан иборатки, Ўзбекистон илк маротаба “Замонавий тиллар” йўналиши бўйича QS рейтингда қайд этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий университети математика соҳасида ўз натижасини яхшилаб, кучли 450 таликдан жой олди. Шунингдек, “Иқтисод ва эконометрия” ҳамда “Физика ва астрономия” йўналишларида ҳам мамлакат вакиллари илк бор иштирок этишди. ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети эса “Муҳандислик ва технологиялар” ҳамда “Атроф-муҳит фанлари” йўналишларида аввалги ўрнини сақлаб қолди [16].

Рейтинг натижалари QS World University Rankings by Subject 2025 баҳолаш мезонлари асосида аниқланган бўлиб, улар академик обрў, иш берувчилар орасидаги обрў, илмий мақолаларнинг иқтибослар сони ва илмий тадқиқотлар сифати (жумладан, Хирш индекси) каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Айниқса, Ўзбекистон Миллий университети математика йўналишида иш берувчилар орасидаги обрў, мақолаларнинг иқтибослари ва Хирш индекси бўйича юқори баҳоланди. Ушбу натижалар Ўзбекистон олий таълим тизими ва илмий салоҳиятининг халқаро миқёсда эътироф этилаётганини кўрсатади. Маълумот учун, QS Quacquarelli Symonds – дунёдаги уетакчи олий таълим ва илмий таҳлил агентлиги бўлиб, 2004 йилдан бошлаб нуфузли университетлар рейтингини тузиб келмоқда [17].

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, Ўзбекистонда тан олинган халқаро аккредитация ташкилотларининг реестрини шакллантириш, халқаро аккредитациядан ўтиш масалалари бўйича олий таълим муассасаларига зарур методик кўмак кўрсатиш халқаро аккредитациялашув ва халқаролашув жараёнини ривожлантиришда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Бунинг учун:

Халқаро рейтингларда ОТТларнинг ўрнини яхшилаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш;

ОТТларга хорижий талабаларни жалб этиш механизмларини жорий қилиш ва такомиллаштириш;

хорижий ОТТлари билан қўшма таълим дастурлари самарадорлигини ошириш;

ОТТларнинг халқаро стратегик ҳамкорларини белгилаш механизмларини ишлаб чиқиш;

ОТТлар халқаро фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

2. “2022–2026 йилларда Тошкент шаҳри ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 236-қарори. https://nrm.uz/contentf?doc=692184_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_

3. Ахмедов Т., Иброҳимов Ф. Олий таълим бошқаруви: ISO талаблари ва устувор вазифалар. – Т., 2023 й. –Б. 31.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июнда қабул қилинган “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-290-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6079422>.

5. ФАРДУ БМТ академик ташаббуси (UNAI)нинг расмий аъзоси бўлди. <https://yuz.uz/news/fardu-bmt-akademik-tashabbusiunaining-rasmiy-azosi-boldi>

6. Хуррамов, Мусурмон Республика олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларга кириш бўйича тажрибалари [Матн]: методик қўлланма / М.Хуррамов, К.Халмуратова. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024. –Б. 10.

7. O'zbekistonning 7 ta oliygohi QS agentligining Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish sohasidagi eng yaxshi universitetlar reytingidan joy oldi. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/30035>

8. O'zbekistonning 7 ta oliygohi QS agentligining Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish sohasidagi eng yaxshi universitetlar reytingidan joy oldi. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/30035>

9. O'zbekistonning 7 ta oliygohi QS agentligining Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish sohasidagi eng yaxshi universitetlar reytingidan joy oldi. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/30035>

10. <https://www.topuniversities.com/asia-university-rankings>

11. O'zbekistonning 23 ta oliy ta'lim muassasasi Osiyoning eng yaxshi universitetlari reytingidan joy oldi. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/26667>

12. <https://www.topuniversities.com/world-university-rankings>

13. Ilk bor O'zbekistonning 2 ta oliygohi dunyoning eng nufuzli universitetlari TOP-1000 taligidan o'rin egalladi. <https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/by-subject>

14. Ilk bora respublikamizning 3 ta oliy ta'lim muassasasi fanlar bo'yicha dunyoning eng nufuzli oliygohlar Top 1000 ro'yxatidan joy oldi. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/33683>

15. O'zbekiston universitetlari QS World University Rankings by Subject 2025 reytingida: yangi natijalar va yutuqlar. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/39947>

16. O'zbekiston universitetlari QS World University Rankings by Subject 2025 reytingida: yangi natijalar va yutuqlar. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/39947>

17. O'zbekiston universitetlari QS World University Rankings by Subject 2025 reytingida: yangi natijalar va yutuqlar. <https://gov.uz/oz/edu/news/view/39947>